

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ХУДУДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Содиқов Авазбек Мадаминович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ЎзМУ "Давлат ва корпоратив стратегиялари" кафедраси мудири

Бегимова Дилишода Комилжоновна

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎзМУ "Давлат ва корпоратив стратегиялари" кафедраси катта ўқитувчиси

REGIONAL DIFFERENTIATION OF AGRICULTURE AND FOOD SECURITY IN UZBEKISTAN

Avazbek Madaminovich Sodiqov

DSc in Economics, Professor

Head of the Department of State and Corporate Strategies,

National University of Uzbekistan

ORCID: 0009-0006-1388-7802

Dilshoda Komiljonovna Begimova

PhD in Economics

Senior Lecturer, Department of State and Corporate Strategies,

National University of Uzbekistan

ORCID: 0000-0001-9615-6832

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий дифференциацияси ва унинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда 2017 ва 2025 йилларда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва диверсификация даражаси ошганини кўрсатди. Айниқса, картошка, полиз экинлари, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатлари кузатилган. Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби бўйича сезиларли тафовутлар сақланиб қолаётгани аниқланди. Тадқиқот натижалари ҳудудларнинг аграр ихтисослашувини такомиллаштириш, сув

тежовчи технологияларни кенгайтириш ва юқори қийматли тармоқларни ривожлантириш озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳудудий дифференциация, аграр ривожланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, диверсификация, балиқчилик, Ўзбекистон.

Abstract. This article analyzes the regional differentiation of agricultural production in the regions of Uzbekistan and its impact on food security. The study provides a comparative analysis of per capita production indicators of major agricultural products for 2017 and 2025. The results indicate an increase in both the volume and diversification level of agricultural production in the country. In particular, the highest growth rates were observed in the production of potatoes, melons, eggs, and fish products. At the same time, significant

regional disparities in the volume and structure of agricultural production remain. The findings show that improving regional agricultural specialization, expanding water-saving technologies, and developing high value-added agricultural sectors are important factors for strengthening food security.

Keywords: agriculture, food security, regional differentiation, agrarian development, agricultural products, diversification, fish farming, Uzbekistan.

Кириш. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш XXI асрда жаҳон иқтисодиёти ва барқарор ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Аҳоли сонининг ўсиши, иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги ва геосиёсий хавф-хатарлар шароитида мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминланганлиги иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, 2023 йилда дунё аҳолисининг қарийб 9 фоизининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаган. Айни шароитда глобал озиқ-овқат тизимларига иқлим ўзгариши ва ресурслар тақчиллигининг таъсири ҳам кучайиб бормоқда (FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO, 2023). Шу сабабли қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва ҳудудий озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш масалалари долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда аҳоли бандлиги, қишлоқ жойлар иқтисодий ривожланиши ва саноатнинг кўплаб тармоқлари учун хомашё базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ривожланаётган

мамлакатларда аграр соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни юқори бўлиб, унинг ривожланиши аҳоли даромадлари ва камбағаллик даражасига бевосита таъсир кўрсатади (World Bank, 2024). Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий хусусиятларини таҳлил қилиш ва мавжуд ному таносибликларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда сўнгги йилларда аграр соҳани модернизация қилиш, маҳсулот етиштиришни диверсификациялаш, интенсив агротехнологияларни жорий этиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Минтақаларнинг табиий-иқлим шароити, ер ва сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси ҳамда ихтисослашувдаги фарқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибида сезиларли ҳудудий дифференциацияни вужудга келтирмоқда (OECD, 2023). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдаги ҳудудий ному таносибликлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳудудий ёндашувнинг аҳамиятини оширмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий дифференциациясини таҳлил қилиш, унинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш ҳамда соҳани барқарор ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар таҳлили. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ

хўжалигини барқарор ривожлантириш масалалари сўнгги йилларда халқаро иқтисодий тадқиқотларда муҳим илмий йўналишлардан бирига айланган. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан тайёрланган тадқиқотларда озиқ-овқат хавфсизлиги аҳолининг етарли, хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларидан доимий фойдаланиш имконияти билан белгиланиши қайд этилган (FAO et al., 2023). Шу билан бирга, озиқ-овқат таъминотида иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ҳудудий номуносивбликлар салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланади (OECD-FAO, 2023).

Жаҳон банкининг Ўзбекистон бўйича тадқиқотларида мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти юқори эканлиги, бироқ тармоқнинг сув ресурсларига юқори даражада боғлиқлиги қайд этилган. Хусусан, суғориладиган қишлоқ хўжалиги мамлакатда сув истеъмолининг асосий қисмини ташкил қилиши ва бу ҳолат озиқ-овқат хавфсизлигига узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланган (World Bank, 2024). Шу билан бирга, тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг аҳамияти асослаб берилган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги ривожланиши масалалари маҳаллий олимлар томонидан ҳам кенг тадқиқ қилинмоқда. Хусусан, Ш. Муратов ва З. Раҳимоваларнинг тадқиқотларида аграр соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ҳудудий ихтисослашувни такомиллаштириш ҳамда интенсив технологияларни жорий

этиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланган (Муратов, 2022; Раҳимова, 2023). Шунингдек, айрим миллий тадқиқотларда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳудудлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги ва бу ҳолат аҳоли истеъмоли ҳамда қишлоқ жойлар ривожланишига таъсир кўрсатиши қайд этилган (Норкулов ва Ҳамроев, 2024).

Сўнгги йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, балиқчилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Миллий статистика қўмитаси маълумотларида ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибида сезиларли фарқлар сақланиб қолаётгани қайд этилган. Тадқиқотларнинг аксариятида озиқ-овқат хавфсизлиги умуммиллий даражада баҳоланган бўлиб, аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий дифференциацияси ва унинг озиқ-овқат таъминотида таъсири етарлича чуқур таҳлил қилинмаган. Айниқса, маҳсулот турлари бўйича ҳудудий номуносивбликлар, айрим ҳудудларнинг аграр ихтисослашуви ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасини комплекс баҳолаш масалалари кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Мазкур тадқиқот айнан ушбу жиҳатларни таҳлил қилишга қаратилган.

Таҳлил ва натижалар. Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳудудларнинг аграр салоҳияти ва озиқ-овқат таъминоти даражасини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичлар ҳудудларда табиий-иқлим

шароити, ер ва сув ресурслари билан таъминланганлик, аграр ихтисослашув ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиш даражасидаги фарқларни акс эттиради. 2017 ва 2025 йилларда 10 хил турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳоли жон бошига етиштириш ҳажми бўйича маълумотлар мос равишда 1 ва 2-жадвалларда келтирилган. 2017 йилда Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилиш ҳудудий дифференциациянинг дастлабки ҳолатини баҳолаш имконини беради (1-жадвал).

2017 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига 225 кг дон, 315,5 кг сабзавот, 80,7 кг мева ва резаворлар ҳамда

2,6 кг балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (1-жадвал). Шу билан бирга, маҳсулот турлари бўйича ҳудудлар ўртасида сезиларли фарқлар кузатилган. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, сабзавот ва мева етиштиришда Андижон вилояти, узумчиликда эса Самарқанд вилояти юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари етакчилик қилган бўлса, тухум ишлаб чиқариш бўйича Тошкент вилояти юқори натижалар қайд этган. Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса Навоий ва Жиззах вилоятлари нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлган.

1-жадвал

2017 йилда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми¹

Ҳудудлар	Дон экинлар и кг	Кар тошка кг	Сабза вотлар кг	Мева ва реза ворлар кг	Узум кг	Полиз экин лари кг	Гўшт кг	Сут кг	Тухум дона	Балиқ кг
Ўзбекистон Республикаси	225,0	86,3	315,5	80,7	50,2	62,7	70,6	310,2	195,5	2,6
Қорақалпоғистон Республикаси	162,0	33,6	133,4	25,7	3,8	73,8	55,4	198,9	142,1	3,4
Андижон	203,0	101,6	494,8	190,4	26,4	45,1	45,4	301,0	192,1	1,4
Бухоро	341,1	108,2	374,6	145,2	101,8	78,0	120,4	487,8	195,8	1,8
Жиззах	425,4	51,3	303,5	66,3	22,4	205,9	154,8	431,2	181,3	10,5
Қашқадарё	309,4	58,8	168,4	52,4	31,3	49,3	90,4	349,2	158,9	1,5
Навоий	292,0	80,2	279,5	103,4	76,9	86,4	156,1	468,0	267,2	13,3
Наманган	204,0	97,5	286,1	90,3	44,2	26,3	50,4	248,7	182,3	1,9
Самарқанд	201,9	160,3	484,7	104,5	167,4	30,3	71,3	336,7	325,0	0,9
Сурхондарё	253,7	110,2	407,3	55,2	40,2	98,4	71,3	325,4	134,2	1,6
Сирдарё	532,3	64,2	374,1	54,1	15,1	403,8	77,7	391,8	158,0	2,7
Тошкент	185,8	123,6	435,4	35,6	39,2	55,6	90,9	302,6	445,3	2,9
Фарғона	162,0	71,2	243,3	90,1	41,8	17,8	41,6	256,5	97,5	1,9
Хоразм	272,9	64,6	352,5	81,9	22,9	75,0	81,8	538,0	213,8	5,2

¹ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2025 йилда ҳам аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар бўйича сезиларли фарқ қилган (2-жадвал). Республика бўйича аҳоли жон бошига 266,9 кг дон, 362,2 кг сабзавот, 91,8 кг мева ва резаворлар ҳамда 5,4 кг балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, сабзавот ва мева етиштиришда Андижон ҳамда Бухоро вилоятлари юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Узумчиликда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари етакчилик қилган бўлса, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Сирдарё вилояти мутлақ устунликка эга бўлган.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Навоий вилояти аҳоли жон бошига гўшт ва тухум ишлаб чиқариш

бўйича юқори натижалар қайд этган. Сут ишлаб чиқаришда эса Хоразм ва Бухоро вилоятлари етакчилик қилган. Бу мазкур ҳудудларда чорвачилик тармоғининг нисбатан яхши ривожланганлигини кўрсатади. Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлар ўртасидаги тафовут айниқса юқори ҳисобланади. Хоразм, Сирдарё ва Навоий вилоятларида аҳоли жон бошига балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш республика ўртача кўрсаткичидан анча юқори бўлган бўлса, Қашқадарё вилоятида мазкур кўрсаткич жуда паст шаклланган. Бу ҳолат балиқчилик тармоғининг ривожланиши сув ресурслари ва тармоқ инфратузилмаси билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Умуман олганда, 2025 йилда ҳам Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ҳудудий дифференциация сақланиб қолган.

2-жадвал

2025 йилда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми²

Ҳудудлар	Дон экин лари кг	Кар Тошқа кг	Сабза вотлар кг	Мева ва реза ворлар кг	Узум кг	Полиз экин лари кг	Гўшт кг	Сут кг	Тухум дона	Балиқ кг
Ўзбекистон Республикаси	266,9	109,8	362,2	91,8	52,3	87,1	78,8	332,3	250,3	5,4
Қорақалпоғистон Республикаси	192,7	55,4	205,3	39,2	7,9	116,0	63,8	230,6	208,2	6,9
Андижон	225,9	152,0	598,4	215,4	26,4	77,2	59,3	322,8	250,4	6,4
Бухоро	364,1	146,3	569,1	149,6	115,4	114,9	152,5	547,8	287,9	3,2
Жиззах	574,9	81,6	360,1	71,6	24,7	277,4	157,8	463,5	272,7	8,1
Қашқадарё	259,5	62,6	180,5	58,5	35,8	77,8	94,3	379,3	158,7	1,3
Навоий	279,4	118,7	374,3	103,3	90,1	105,3	184,0	529,8	437,1	9,2
Наманган	263,2	133,0	368,2	131,7	52,9	58,0	58,8	258,0	257,1	6,3
Самарқанд	234,3	178,3	388,6	94,1	160,6	42,7	76,7	338,4	322,6	4,7

² Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Сурхондарё	298,3	132,5	487,4	65,4	31,7	127,3	76,0	332,9	212,1	2,6
Сирдарё	676,9	79,8	376,0	55,0	19,9	445,2	85,9	447,0	258,9	12,6
Тошкент	245,6	132,8	440,4	51,2	32,6	31,3	102,2	349,5	559,6	7,5
Фарғона	274,1	114,7	386,2	113,1	54,8	62,0	46,9	288,6	174,2	3,9
Хоразм	353,1	79,6	359,4	92,6	26,9	95,9	94,7	561,1	254,8	17,5

Куйида келтирилган 3-жадвал нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришларни, балки сўнгги йилларда ҳудудларда амалга оширилган аграр ислохотлар самарадорлигини ҳам акс эттиради. Таҳлил қилинаётган даврда республикада деярли барча маҳсулотларни етиштириш бўйича аҳоли жон бошига ўсиш қайд этилган. Айниқса, картошка, тухум, полиз экинлари ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ошган. Хусусан, аҳоли жон бошига балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2017–2025 йилларда 2,1 марта ўсиб, 2,6 килограммдан 5,4 килгограммга етган. Бу мамлакатда балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, сунъий сув ҳавзалари ташкил этиш ва интенсив технологияларни жорий этиш чоралари билан боғлиқ. Масаланинг яна бир жиҳати – бу ҳудудлар бўйлаб сақланиб қолаётган номутаносибликдир. 2025 йилда аҳоли жон бошига балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш Хоразм вилоятида 17,5 кг, Сирдарё вилоятида 12,6 кг ва Навоий вилоятида 9,2 кг.ни ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич бор йўғи 1,3 кг.га тенг бўлган. Бунинг устига, Қашқадарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида 2017–2025 йилларда балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш

суръатлари республика ўртача кўрсаткичидан паст бўлган. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, соғлом овқатланиш учун йилига ўртача 20 кг атрофида балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиниши тавсия этилади. Бу эса айрим ҳудудларда аҳолининг оқсил маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси ҳануз пастлигича қолаётганини кўрсатади. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги нисбатан юқори суръатларда ривожланмоқда. Буни жадвал маълумотлари ҳам тасдиқламоқда. 2017–2025 йилларда ҳудудда аҳоли жон бошига картошка, сабзавот, мева ва резаворлар, узум, полиз экинлари ҳамда тухум ишлаб чиқариш республика ўртача даражасига нисбатан тезроқ ўсган. Бу, аввало, ҳудудда пахта ва ғалла майдонларининг қисқартирилиб, юқори қийматли мева-сабзавотчилик тармоқларининг кенгайтирилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, сув тежовчи технологиялар, томчилатиб суғориш ва канал-коллектор тармоқларини тиклаш ишлари ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилган. Балиқчиликда сунъий қўллар ва фермер хўжаликларининг кўпайиши тармоқни ҳудуд иқтисодиётининг янги драйверларидан бирига айлантирмоқда.

3-жадвал

2025 йилда 2017 йилга нисбатан аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (фоизда)³

Худудлар	Дон экин лари кг	Картошка кг	Сабза вотлар кг	Мева ва реза ворлар кг	Узум кг	Полиз экин лари кг	Гўшт кг	Сут кг	Тухум дона	Балиқ кг
Ўзбекистон Республикаси	118,6	127,3	114,8	113,7	104,3	138,9	111,7	107,1	128,0	210,1
Қорақалпоғистон Республикаси	118,9	165,0	153,9	152,6	210,5	157,2	115,3	115,9	146,5	202,4
Андижон	111,3	149,7	120,9	113,1	99,9	171,0	130,6	107,2	130,4	465,3
Бухоро	106,8	135,1	151,9	103,0	113,4	147,4	126,7	112,3	147,1	174,9
Жиззах	135,2	159,1	118,7	108,1	110,5	134,8	101,9	107,5	150,4	76,6
Қашқадарё	83,9	106,3	107,2	111,7	114,3	157,8	104,4	108,6	99,9	81,3
Навоий	95,7	148,1	133,9	99,9	117,1	121,9	117,8	113,2	163,6	69,7
Наманган	129,0	136,3	128,7	145,8	119,6	220,6	116,7	103,7	141,0	325,6
Самарқанд	116,1	111,3	80,2	90,1	96,0	141,0	107,6	100,5	99,3	514,7
Сурхондарё	117,6	120,2	119,7	118,5	78,9	129,4	106,5	102,3	158,0	167,1
Сирдарё	127,2	124,2	100,5	101,6	132,2	110,2	110,5	114,1	163,9	462,6
Toshkent	132,2	107,5	101,2	143,9	83,2	56,3	112,4	115,5	125,7	259,0
Farg'ona	169,2	161,2	158,7	125,5	131,0	347,3	112,6	112,5	178,7	207,1
Xorazm	129,4	123,2	102,0	113,1	117,4	127,7	115,8	104,3	119,2	333,5

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатлари бошқа айрим худудларда ҳам кузатилган. Хусусан, Фарғона вилоятида донли экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, Наманган вилоятида полиз экинлари ҳамда мева-резавор маҳсулотлари, Жиззах вилоятида донли экинлар ва картошка, Андижон вилоятида эса картошка ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсган. Бу худудларда интенсив деҳқончилик, аҳоли зичлиги юқорилиги ва аграр ихтисослашувнинг шаклланганлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

Юқоридаги таҳлиллار Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари бўйича ижобий

ўзгаришлар кузатилганини кўрсатди. Айниқса, аҳоли истеъмолида муҳим ўрин тутувчи юқори қийматли маҳсулотлар – балиқчилик, полизчилик, картошкачилик ва мева-сабзавотчилик тармоқлари нисбатан тез ривожланган. Шу билан бирга, худудлар ўртасидаги табиий-иқлим шароити, сув ресурслари, аграр ихтисослашув ва инфратузилма даражасидаги фарқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сезиларли дифференциацияни сақлаб қолмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда худудий ёндашув, ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

³ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиб бораётганини кўрсатди. Айниқса, картошка, полиз экинлари, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Бу мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, аҳоли истеъмолида юқори озуқавий қийматга эга маҳсулотлар улушини ошириш ҳамда аграр соҳада бозор механизмларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижаси

ҳисобланади. Шунинг билан бирга, тадқиқот мамлакат ҳудудлари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби бўйича сезиларли дифференциация сақланиб қолаётганини кўрсатди. Айрим ҳудудларда мева-сабзавотчилик, балиқчилик ва полизчилик тармоқлари юқори суръатларда ривожланган бўлса, бошқа ҳудудларда айрим маҳсулот турлари бўйича паст кўрсаткичлар сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат табиий-иқлим шароити, сув ресурслари билан таъминланганлик, аграр ихтисослашув ва инфратузилма даражасидаги фарқлар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO (2023) The State of Food Security and Nutrition in the World 2023. Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations.
2. OECD-FAO (2023) OECD-FAO Agricultural Outlook 2023–2032. Paris: OECD Publishing.
3. World Bank (2024) Uzbekistan Country Climate and Development Report. Washington, DC: World Bank.
4. World Bank (2023) Water in Uzbekistan: Sustainable Water Management Challenges. Washington, DC: World Bank.
5. Asian Development Bank (2024) Asian Development Outlook 2024: Uzbekistan. Manila: Asian Development Bank.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика агентлиги (2025) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.
7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (2024) Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича статистик маълумотлар тўплами.
8. Мирзаев, Б.С. (2022) 'Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий механизмлари', *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, 4, pp. 112–120.
9. Ҳамраев, Ш.Р. (2023) 'Қишлоқ хўжалигида ҳудудий ихтисослашув ва аграр ривожланиш омиллари', *Agro Ilm*, 3, pp. 41–46.
10. Норкулов, М.Н. ва Ҳамроев, С.Т. (2024) 'Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий хусусиятлари', *Iqtisodiyot va ta'lim*, 2, pp. 95–103.